

✓



HUDUDGAZTA'MINOTI
AKSIYADORLIK JAMIYATI

Б-1179

ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ
ИСТЕММОЛЧИЛАРГА
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ШАРТНОМАСИ

№ 10-44 685-

24.01.2022.

СОВЕТСКАЯ БИБЛИОГРАФИЯ

СТАТЬИ И АРТИКЛЫ

ПЕРСОННЫЕ ВЫСТАВКИ
АУДИОВИДЕОМАТЕРИАЛЫ
ДИДАКТИЧЕСКАЯ ЛИТЕРАТУРА И МАТЕРИАЛЫ
ВОСПРОИЗВЕДЕНИЯ

— 2000 — № 10

СОВЕТСКАЯ БИБЛИОГРАФИЯ

Табиий газни улгуржи истемолчиларга етказиб берин ва кабул килиш
ШАРТНОМАСИ

22 йил 2001

БИЛ-сон

Салсару:

10-44685-

(шартнома түнгиз жой)

Низом асосида фаолият юритувчи Само довлат
хөтөлбөрчийн номы
(Истемолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истемолчи" деб аталади), раҳбари Тұлғасинов 11
бир

томондан ҳамда Низом ва 20 йил " " да берилган -сонли
ишопчнома асосида фаолият юритувчи "

Салсару жетекшілік ажырасы
(газ таъминоти башкилоти номы) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб
аталади), раҳбари А. Ермекеев ишопчи томондан, куйидагилар
тұгрисида мазкур шартноманы түздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи үз зиммасига газ тармоклари оркали Истемолчининг
келишилган буюртманомаси бүйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб
аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истемолчи эса үз зиммасига ушбу
шартноманинг 1.4-бандида күрсатилған хажды газни кабул қилиш мажбуриятини
олади ҳамда тұловларни белгиланған нарын бүйича үз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига
мувофоник, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилған ва сертификатта зәғ
газ курилмалари, шунингдегі, электрон газни хисоблаш приборлари (кейинги
ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бұлғанда етказиб беради.

1.3. Истемолчи Етказиб берувчига тасдиқланған мөтірларга (Табиий газдан
фойдаланиш коидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чықарылады махсулотта
(екінші күрсатылған хизмат) нисбатан келгуси Йилда газга асосланған әхтиёжин
такдим этади.

Истемолчи жорий йилнинг 15 июль куннiga қадар келгуси йилда истемол
қилиниши таҳмин қылнастыған газ қажмы бүйича буюртма беради.

1.4. Истемолчи билан келишилган буюртма бүйича етказиб берилады
газ қажми техник шартларда белгиланған босым ва ҳажды 2022 йилда
285000 куб.м, нарын 168 зең. сүмни ташкил килады, жумладан
чораклар ва ойлар бүйича күйидагыча тақсиланады:

| | | | | | | | | |
|-----------|-------|-------------|---------|-----|-----------|-----|------------|-----|
| I чорак | 285,0 | мингкуб.м, | янырь | 900 | , февраль | 850 | март | 800 |
| II чорак | | мингкуб.м, | апрель | | , май | | , июнь | |
| III чорак | | минг куб.м, | июль | | , август | | , сентябрь | |
| IV чорак | | мингкуб.м, | октябрь | | , ноябрь | | , декабрь | |

Етказиб берувчи томонидан хизматларин түлик хажмда кўрсатили учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлаши издан чиккан таклирла, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятта эта Истемолчиликга 20 йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал хажми минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича кўйидагипи ташкил қиласди:

I чорак мингкуб.м., январь ___, февраль ___, март _____.
II чорак мингкуб.м., апрель ___, май ___, июнь _____.
III чорак минг куб.м., июль ___, август ___, сентябрь _____.
IV чорак мингкуб.м., октябрь ___, ноябрь ___, декабрь _____.

1.5. Агар, Истемолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табний газ хажми ойлар бўйича бир хил микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истемолчи буюртмаларини табний газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган хажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истемолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табний газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай холат ортигча олинган газ микдори деб хисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табний ёнуви газлар) га мувофиқ тарздаги табний газни етказиб берилади.

2.2. Истемолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истемолчининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истемолчига 24 соат ичидагаз етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгартганини тўғрисида барча усувлар оркали Истемолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

Истемолчи манзими ва телефон раками:

Буюртмасофия 93, Тобеҳи, 43 93-995-58-61

2.4. Етказиб берувчи Истемолчини газ етказиб бериш қискартирилишига калар камидаги 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларидаги юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истемолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дархол қискартирилади ёки тұхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганды, шунингдек, куз-қишлоғ мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва ахоли истемолчиларини бир маромда табий газ билан таъминлаш максадида Етказиб берувчи Истемолчини огохлаштирган ҳолда газ етказиб беришини чеклаш ёки

тұхтатиб қўйиш хукукига эга, Истеъмолчи эса захира ёқилги туридан фойдаланишга утади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасыда тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқилги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли микдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табии газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тұхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тұхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатиляган ускуналар, ГТП (газ таҳсилаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат курсатиш ҳамда саклаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниси ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табии газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тұлов реквизитлари ўзгарған холатларда улар зудлы билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табии газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, таҳсилаш ва истеъмол килиш режими нинг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табии газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажарыш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилған газ микдори газ тармоқлари бўлинниши чегарасыда ўрнатиляган хисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар иккى томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлинниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши хисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлинниши нуткаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шароитда 1 м³ газ олнинади: харорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига всосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрларни (стандарт шароитда, азот ва карбонат аниgidrid) кийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъерий-хукукий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шароитта автоматик равишда көлтирадиган газни хисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истемолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки хисоблаиади.

3.5. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси таилови тегишилий қондалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истемолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истемолини хисобга олиш ва назорат килишининг автоматлаштирилган тизим (ПХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қондалар ва мөъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида О'з DS1 8.030:2008 “Ёюнги ва энергия. Хисобда қўйиладиган умумий талаблар”, О'з DS1 8.031:2008 “Ёкинги ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жихозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тасвиғлари амалдаги мөъёрлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификати ва/ёки метрологик аттестациясига эта бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўрикдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўстандарт” агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексларини (ва унинг тарқибий қисмларини) “Ўстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларининг бир қисми сифатида (киёслов кўриги/калибрлаш, торайни мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларининг бир қисми сифатида (киёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, гаъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келишув бўйича ва иккала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги мөъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вакили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вакилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси чакради.

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация килиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошка усулларини таңлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишилади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига киритилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истемолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вактида етказиб бернилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга тасир киладиган қисмларига Истемолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилига Истемолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истемолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш хукуқига эга. Шу билан бирга, Истемолчи Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DS1 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида файритабии ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DS1 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш курилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига рухсатсиз аралашиб ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истемоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истемол қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аникланган кунгача, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартирилганда - охирги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин дайво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганинг тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вактга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – киёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан киёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вактга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати тугаганда – қиёслов кўригиданметрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вактга;

е) хисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг кисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилгацда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир хисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтта;

ж) хисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб кўйилганда – охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қувурларида ёки ГПЛарида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охирги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтда;

и) Газ хисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноконуний тарзда ташки таъсир кўрсатган ҳолда табии газни истеъмол килиш ҳолатлари аниқланганда-ташки таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатга;

к) хисобга олиш приборининг хотирасида сакланадиган архив маълумотларини йўкотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимидан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Хисоб-китоб учун ТГХНАТ (АСКУГ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табии газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТГХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охирги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охирги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш хужжатларини расмийлаштирумасдан истеъмолчи томонидан қўшимча газ курилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантирувчи хужжатлар мавжуд бўлганида) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажмини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник хужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказилиши талаб килиш хукуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб килган Тараф томонидан амалга оширилади

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истельмолчи 24 соат ичиди Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаликда ўчириб тамгаланишини таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқни ҳолати аниқланган тақдирда кайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вактдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. ($O'z DSt 8.586$ га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истельмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигитомонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истельмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлади.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хошишини билдирган истельмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибида мурожаат қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолатларда истельмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб ракамига табиий газ етказиб берилга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми киймати суммасининг 50 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истельмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истельмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истельмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик корхоналар ва ижтимоий аҳамиятга эга истельмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истельмолчи ҳар ойнинг 10 санаасига қадар аввалги ойда истельмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истельмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишида Истельмолчининг айби билан табиий газ етказиб берилга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблаглар кайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблаглар эса келгусида газдан фойдаланишида ҳисобга олинади.

4.9. Истемолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномала белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан оддиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истемолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истемолчига алоқадор бўлмаган турли ҳил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қиска туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниланганилиги сабабли истемол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатишган газ асбоб ускуналарини тўлик куввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкия қылган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истемолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истемолчини хабардор киlgан ҳолда қарзни қоплашига йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вактида тўланмаганда, Истемолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% фоизидан ошмайдиган микдорда пена тўлади.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзib олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истемол қилинши ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиласидан истемолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзib олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истемолчилар томонидан табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив ҳизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолдакиритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномасига асосан истемолчига электрон ҳисобварак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчива Истемолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳакконийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси Истемолчидан кўйидаги техник ҳуққатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисбот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотларни;

б) Истемолчига тақдим этиладиган, Истемолчининг бўлинини чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТКлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истемолчи баланснинг бўлган газ тармоқлари ва ГТКдаги технологик йўқотишлар Истемолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истемолчи ойнинг 7 кунидан кечиктиримасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини кабул килиб олади, имзолайди ва бир иусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

Расмийлаштирилган газ стказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисобварақ-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истъемолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул килинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий вакс эттириш йили билан хисоб-китоб қилиш ойн тутагандан кейин 10-кунгача бошка томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қиласди. Ушбу масалан ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белтиланган тартибида кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истъемолчидан дебитор карзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибида амалга оширилади.

4.18. Газ узиб кўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истъемол килинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб кўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгаргантакдирда, Етказиб берувчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истъемол килинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибида кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истъемолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кўпич билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истъемолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган хуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Етказиб берувчи ва Истъемолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва икки нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштириллади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истъемолчидан, фойдаланиш газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2 бандига кўрсатилган ҳолатларда газ хажми қийматининг ундирилиши Истъемолчини конунчиликда белгилашган жавобгарликдан озод қиласмайди.

VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛANIШ ТАРТИБИ

6.1. Истъемолчига куйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилганига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакилларини газдан фойдаланиш ускуналари ва хисобга олиш курилмаларининг озартдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;

- фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қарздорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюргталарга старли миқдорда олдиндан тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтгазинспекция"нинг курсатмалари бажарилмаганда;
- хисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор курсатгичларини ўзгаририш мақсадида уларни ишишга тускинлик киливчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташки таъсири курсатишга ҳаракат килиш;
- Газдан фойдаланиши қоидаларига зид равишда газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қоидабузарликлар ёхуд газни талон-тарож килиш ҳолатлари аниқланганди;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўчирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликини ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоқда кайта уланища амаддаги конунчилликка мувофиқ Истемолчидан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўт баравари миқдорида ҳак ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида курсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истемолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизим (ТГХНАТ) вариға уланган истемолчиларни масофадан кайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7.1. Етказиб берувчи куйнагиларга мажбур:

- ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобидан төмрirlаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;
- табиий газ етказиб бериш кискарсан ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни хабардор килиш;
- газ ҳисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларининг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига курсатилган ҳолатлар содир этилганилиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилганига қадар табиий газ таъминотини юшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;
- табиий газнинг рухсатсиз истемол килинганилиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганилиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза килиш органларини хабардор килиш;
- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- конунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий курсатмаларини бажариш;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истеъмолчиларкинг ички газ тармоклари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтниндан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

 - табии газ сизиб чиқишида — дарҳол;
 - овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;
 - иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташкири вактда) — икки кун давомида;
 - Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичидан алмаштириш;

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

 - техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табии газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;
 - газ таъминоти тармокларига рухсатсиз уланиш холатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармогидан узиб қуиши;
 - Истеъмолчилардан табии газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишини талаб қилиш;
 - табии газни етказиб бериш шартномасини ижро қилишдан конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;
 - газ тармокларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирумасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда, табии газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
 - ушбу шартномада назарда тутилган холатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирумаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.
 - табии газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

 - хисобот ойинда табии газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиши.
 - газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
 - газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникижихатдан соз холатда сақлаш;

- газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ тъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан ҳабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоклари дахлисизлигини тъминилаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш максадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда қўздан кечириб чиқиш;

- газ тъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўя кўймаслик;

- газ етказиб берувчи вакилари ва “Ўзнефтгазиспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истемол қилишини ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркян қўздан кечиришини тъминилаш;

- газдан фойдаланиши ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтисослаштирилган брингадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартриши максадида уларнинг ишлашига тўскилий қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йул кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларининг бутунилигини тъминилаш;

- табиий газ истемолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ тъминоти ташкилотини ўзи учун қулий шаклда дарҳол ҳабардор қилиш.

-Газ тармоғи бўлинishi чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истемолини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматаштирилган (ПГЖНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истемолчи томонидан ўрнатиш..

7.4. Истемолчи Етказиб берувчидан қуидагиларни талаб қилиш хукукига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истемолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган ҳолда узатилиши;

- табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланишмаган газ ҳажми учун тўлаянган суммани кайтариш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.

Истемолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа хукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганинги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда коплайди.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганилик ёки тўлиқ етказиб бермаганилик учун куйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) фойдаланилган газ учун тұлов амалга оширилмаганда;

в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал қилинмаганида;

д) мазкур шартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилганҳолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал газ кувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;

в) киши даврида вақтингча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сои карорлари, шунингдек, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри ҳокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкири);

г) шартнома асосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ кабул қилиш ёки унинг учун ҳак тўлашни рад этгаида Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб қилиш хукукига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтиришни талаб қилиш хукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган хар бир кун учун мажбуриятларининг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирор етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳаки ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтгантўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафларн бир-бирига нисбаган амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зинмасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи мағафтлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва қондаларига катъий риоя киласди.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРГИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишилсугда мурожаат қилишга ҳаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгариришга йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ казиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, ҳусусан, сел, ёмғир, суд тошкени, ёнгин чиқиши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Хукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тұхтатиш, кискартириш ёки муносабтларни тұхтатиш хуқукига зга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокарзлар йили билан шартномани келгусида бажаринш тұгрисидаги карор қабул қиласидилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равнинда расмийлаштирилни ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учуншартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон карорига асосан Фазначалик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилимаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаталаб билан мурожаат қилимаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчиликлар хар йили “_____” йил 31 декабр санаасига” амал қилишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти № 6010-сон Фармони қабул қилиниши муносабати билан Табиий газни ултуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун иккни нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир ҳил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНДАРИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

| | |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «HUDUDGAZ SAMARQAND» газ таъминоти филиали</p> <p>Манзил: Самарқанд шаҳар, Буюк Ипак йўли кўч., 15 уй</p> <p>Тел/факс: (66) 239-78-11; Faks: (66) 239-78-12</p> <p>Банк номи: ХАТБ “ОРИЕНТ ФИНАНС”</p> <p>МФО: 01111</p> <p>ИНН: 306605769</p> <p>ОКЭД: 35230</p> <p>X/Р 2022/06/06 № 306605769 ГАЗ ТАЪМИНОТ ФИЛИАЛИ “УЗСАНОАТКУРУЛИЩБАНК” Тошкент ш. РАКАТ филиали МФО: 00435 ОКЭД: 35220</p> <p>Рахбар: филиал Имени: Мурдари:</p>  | <p>«ИСТЕММОЛЧИ» Союз ГСТЧ</p> <p>Сам шаҳар Бустонсарой 93 <small>(бюджет ташкитлари, хуҷалик юритувчи субъектлар номи)</small></p> <p>Почта номинати:</p> <p>ОКПО коди <u>85420</u></p> <p>ОКЭД</p> <p>Мулоқот телефони <u>66 1392950</u></p> <p>Газ/х.</p> <p>Банк номи <u>Харт. БАНК УККА</u> <u>Таш шаҳар бўшесори</u> МФО <u>00014</u> инн <u>201001213</u></p> <p>ш/х <u>4009108601840170</u> <u>94100079006</u> <small>(тасвирланган бўлганинга номи)</small></p> <p>Рахбар: <u>ТУҲІССУНДБ 4</u> <small>(01.06.2022)</small></p> <p>Имени: Мурдари:</p>  |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|

Юридик маслахатчи худосасы:

(Φ.Μ.Ι.Ε.Λ.)

(имзо. муҳр)

CB112

2012 йил «24» 09 даги
8009 -сон шартномага
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қылған газда фойдаланиш усқуналары
РҮЙХАТИ 10-44685

Фаолият түри: Очи 2010
Кадастр №

141161 01/03 00/2006 Бүгелескөбөг, 23

141161 035 01/17/1408 Оңзары, 43

Табий газ тарифи 1 м³ 660 сум 00 тийин

| № | Корхона, бүлім ва цехни номланицы | Агрегаттар | | Лойинһавий газ сағын (паспорт) м3/сағт | Газни хисобга олиш приборларининг турлари |
|----|--------------------------------------|---------------|----------------------------------|----------------------------------------------|-------------------------------------------------|
| | | номланицы | соңы | | |
| 1 | Биссодат | Бүгелескөбөг | 900 | 93 | |
| | Бало Биссодат | 1514F-95- | 13- | 36- | Софып 928- |
| | ТТ және көздең көмекчесі: | 6 | 6 | 6 | |
| | Чесчүй Биссодат | Роллан Герман | 00000000000000000000000000000000 | | |
| | | KBT-35- | 20 | | |
| | Т Т ас сонын ажыратылған | | | | РАБОТОД |
| | | шығар көт | 2 | 23,2 | |
| 2. | Б-Испекчи, 85-ші бүлік Бебешілдеке | | | | Ремонт |
| | шығар 12700 | ПЛ48 | 7 | 1,12 | |
| | | Софып | 1 | 4,6 | |
| 3. | Оңзары, 43 | Шығар ажырат | 1 | 11,03 | |
| | | шығар 100 көт | 2 | 18,2 | |
| 4. | ЕТПҚСРМДА! | ПЛ44 | 4 | 7,12 | |
| | | | | 7,64 | 98,00 тис |

Келишилган:

